



11.11.2022 даги

ООО "LOYIHA STRUKTURA" ва Хазорасп туман Ободонлаштириш бошкармаси ўртасида 23500000,00 сўм  
умумий суммага тузилган 16 - сонли шартномага

**ТЎЛОВЛАР ЖАДВАЛИ\***

Боб  
Шахсий ғазна хисобварак

110

401722860332207065200110016

сўмда

2022 й. ойлар номи.	Харажатлар тури** (бюджет таснифининг тегишли коди)		Жами
	4239000		
Январь			
Февраль			
Март			
Апрель			
Май			
Июнь			
Июль			
Август			
Сентябрь			
Октябрь			
Ноябрь	23 500 000,00		23 500 000,00
Декабрь			
<b>Жами йил бўйича</b>	<b>23 500 000,00</b>		<b>23 500 000,00</b>

Жами 23500000,00 сўм

Йигирма уч миллион беш юз минг сўм 00 тийин

сумма сўз билан

Юқоридаги кўрсатилган суммадан 7050000,00 сўм ёки 30,00%\*\*\* шартноманинг умумий суммасидан

70 % \*\*\*20 декабр ойида тўланиши лозим.

(\*) — бюджет ташкилоти, бюджет маблағи олувчи ва БМЖ маблағи олувчи томонидан ғазначилик бўлинмасига икки нусхада тақдим этилади;

(\*\*) — бўлим, кичик бўлим ва харажат моддаси кўрсатилади;

(\*\*\*) — Юқоридаги кўрсатилган суммадан ойига — % жорий ойнинг — санасигача хар ойда олдиндан тўланиши лозим (ушбу сатр бюджет ташкилоти, бюджет маблағи олувчи ва БМЖ маблағи олувчи томонидан коммунал хизматлар кўрсатиш, алоқа хизматлари ва конун хужжатларида назарда тутилган хар ой доимий равишида товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб берини шартномалари бўйича олдиндан тўловни амалга ошириш холларида тўлдирилади).



Буюртмачи раҳбари

Буюртмачи бўш бухгалтери

Ғазначилик бўлинмасининг  
ходими қабул қилди

«  » 20    й.

Рузметов Азад Камунович

Ф.И.Ш.

Кушназаров Камилжон

Ф.И.Ш.

Буюртмачи ходими  
қабул қилди

(имзо)

«  » 20    й.

(имзо)

# ЛОЙИХА ИШЛАРИ ПУДРАТИ ШАРТНОМАСИ

## №-16

Хазорасп тумани

2022-йил «11 ноябр»

Келгусида «Буюртмачи» деб номланувчи “**Хазорасп тумани Ободонлаштириш бошқармаси**” номидан Низом асосида иш юритувчи бошлиқ “**Рўзметов Азад Камунович**” бир томондан, келгусида «Лойихачи» деб номланувчи “**LOYINA STRUKTURA**” маъсулъяти чекланган жамияти номидан иш юритувчи директор “**Матниёзов Матниёз Каримберганович**” иккинчи томондан, хамда “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2022 йил 2 февралдаги ПҚ-49-сонли қарорига” асосан “**Хазорасп тумани Камолот махалласидаги йулларни жорий таъмирлаш ёшлар кучаси 281- уйдан ёшлар кучаси 2-уйгача объекти ЛХ ишлаб чикиш**” шартномасини туздилар.

### 1. Шартноманинг мазмуни

1.1. Лойихачи Буюртмачининг лойихалаш топшириғи бўйича ишчи лойиха-кидирув иларини ишлаб чикиш мажбуриятини олади.

1.2. Буюртмачи лойиха-смета ишларини бажариш учун топширик бериш, зарур бўладиган бошлангич маълумотларни бериш, бажарилган ишларни қабул қилиб олиш, белгиланган тартибда ва микдорда хақини тўлаш мажбуриятини олади.

1.3. Лойихачи кўрсатиб ўтилган ишларни «Корхона, бино ва иншоотлари лойиха смета хужжатларининг таркиби, ишлаб чикиш тартиби ва тасдиқлаш» хақидаги 1.03.01-03 ШНҚ қоида ва қўлланмалари ва мазкур шартноманинг хужжатларига асосланиб бажаради ва тугаллайди.

### 2. Ишларни бажариш муддати

2.1. Лойихачи ишларни дастлабки аванс тўлови амалга оширилган кундан бошлаб бажаришга киришади.

2.2. Мазкур шартномада ЛҚИни тайёрлаш муддати, ишлар бошланган кундан бошлаб **5** кун этиб белгиланади.

2.3. Буюртмачи томонидан топшириқ, бирламчи маълумотларни бериш ва Лойихачи томонидан Буюртмачининг топшириғи бўйича иловадаги кўчаларни ишчи ЛҚИ ишлаб чикиш, амалдаги тартиб қоидалар бўйича топшириш муддатларини томонлар календар жадвалда белгилайдилар ва у шартноманинг ажралмас қисми хисобланади.

### 3. Шартнома баҳоси.

3.1. 3.1 Мазкур шартнома бўйича Лойихачи томонидан бажарилган танлов натижасида аниқланган ва танлов комиссиясининг қарори (2022 йил «9» ноябрдаги № 174447 » сон баённома) билан тасдиқланган ишлар қиймати барча соликлар, йифимлар ва ажратмалар билан жорий нархларда 23 500 000 (йигирма уч миллион беш юз минг сўм) сўмни ташкил этади.

### 4. Тўлов шартлари.

4.1 Шартномада миллий валюта «сўмда» ўзаро хисоб-китоб килиниши белгиланади, тўловлар тўғридан-тўғри Лойихачи хисоб рақамига пул ўтказиш орқали амалга оширилади.

4.2. Мазкур шартнома бўйича мақсадли аванс, ишлар умумий қийматининг **30 фоизини** ташкил қиласди ва **5** банк иш куни муддатида тўлаб берилади.

4.3. Буюртмачи мазкур шартномада белгиланган ишлар тўлалигича бажарилиб, хажми, сифати ва Лойихачининг хисоботи текширилиб, Давлат экспертизалиридан ўтказилиб, аниқланган камчилик ва хатолар, билдирилган эътиrozлар бартараф қилиниб ижобий хуносалар олиниб хисоб-фактура имзолангандан кейин шартнома қиймати доирасида илгари берилган авансни хисобга олган холда якуний тўловни амалга оширади.

### 5. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.

Томонлар хамда уларнинг вакиллари мазкур шартнома буйича уз мажбуриятларини бажараётганда Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун хужжатларининг талабларига зид келадиган хар қандай харакатларни амалга оширмайдилар, шу жумладан, пора беришни таклиф қилмайди, ваъда бермайди, товламачилик қилмайди, пора сифатида пул тўламайди, бевосита ёки билвосита пора олишга розилик бермайди ёки ўз хизмат мажбуриятларидан фойдаланган холда пора берган шахснинг манфаатларини кўзлаб муайян харакатларини содир этиши ёки содир этмаслиги шартлиги ёки мумкунлиги учун моддий қийматликлар ёки мулкий наф олмайди. Томонлар ушбу харакатларга йўл қўймаслик буйича чоралар кўрилишига кафолат беради.

#### **Лойихачининг мажбуриятлари:**

5.1. Лойихалаш хақидаги топширикка ва бошқа бошлангич маълумотларга мувофиқ ишларни бажариш ва натижасини шартномада белгиланган Буюртмачига топшириш мажбуриятларини олади.

5.2. Объекни ЛҚИ хужжатлари ва нуқсонлар далолатномаларини тайёрлаб, Буюртмачи билан биргаликда фойдаланиш ташкилотлари (электр тармоқлари корхонаси, водоканал, рапгаз, ёнғин хавфсизлиги назорати), тегишли давлат органлари ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари билан келишиб олиши.

5.3. Буюртмачининг розилигисиз ЛҚИ хужжатларини учинчи шахсларга бермаслик.

5.4. Тайёрланган ЛҚИ хужжатлари асосида учинчи шахсларда ишни бажаришга қаршилик қилиш ёки бажаришни чеклаш хукуқи йўқлигини кафолатлади.

5.5. Буюртмачи томонидан тақдим қилинган дастлабки ва бирламчи маълумотларни, мухандислик қидируг хуносаларини, Буюртмачининг розилигисиз учинчи шахсларга бермаслик ва улардаги маълумотларни ошкор қиласлик, улардан фақат ушбу шартномадаги предметда фойдаланиш мажбуриятини олади.

5.6. Объектда қурилиш ишлари тўлалигича якунлангандан сўнг, ишчи комиссиясига Лойихачи объектнинг ЛҚИ хужжатлари асосида қурилганлиги тўғрисида хулоса тақдим қилиш.

5.7. ЛҚИ хужжатларини бир-бирига мутаносиблиги (мос келиши) ва иш хажмларини ишчи чизмаларида берилган иш турлари мослиги ШНК талабларига жавоб беришига лойихачи ташкилоти буюртмачи ва пудратчи олдида жавобгардир.

#### **Буюртмачининг мажбурияти:**

5.8. Лойихачидан олинган ЛҚИ хужжатларидан фақат мазкур шартномада назарда тутилган мақсадлар учун фойдаланиш, ЛҚИ хужжатларини Лойихачининг розилигисиз учинчи шахсларга бермаслик ва улардаги маълумотларни ошкор қиласлик.

5.9. Шартномада белгиланган миқдорда ва муддатда шартномани 1.1-бандида назарда тутилган ишларни қабул қилиб олиш ва бажарганлик учун Лойихачига хақ тўлаш.

5.10. Лойихачига лойиха ишларини бажаришда ушбу шартномада назарда тутилган хажмда ва шартларда хизмат кўрсатиш.

5.11. Тайёр бўлган ЛҚИ хужжатларини тегишли давлат органлари ва фуқароларнинг ўзини - ўзи бошқариш органлари билан келишиб олишда Лойихачи билан бирга катнашиш.

5.12. Лойихачига боғлиқ бўлмаган холатлар сабабли лойиха ишларини бажариш учун бошлангич маълумотлар ўзгариши билан боғлиқ қўшимча харажатларни Лойихачига тўлаш.

5.13. Тайёрланган ЛҚИ хужжатларининг камчиликлари борлиги муносабати билан учинчи шахс томонидан Буюртмачига нисбатан кўзғатилган дайво юзасидан ишга қатнашишга Лойихачини жалб қилиш.

#### **5.14. Лойихачининг хукуклари:**

- ЛҚИ хужжатларини ишлаб чиқиш жараёнида зарурат бўлса айрим маҳсус қисмларини бажариш учун ёрдамчи (субподрядчикларни) жалб қилишга хақлидир.

### **6. Ишларни топшириш ва қабул қилиш тартиби**

6.1. Бажарилган ишларни баҳолаш ва қабул қилиб олиш техник топширик талаблари асосида календар жадвал бўйича амалга оширилади.

6.2. Лойихачи томонидан топшириладиган ва расмийлаштириладиган хужжатлар руйхати техник топширикда аникланади.

6.3. Лойихачи ишларни бажариб бўлгач, Буюртмачига техник топшириқда кўрсатилганидек топшириш - қабул қилиш далолатномаси билан биргаликда илова қилиб битта электрон вариант ва 2 та нусхада хужжатлар комплектини хисобот билан тақдим этади.

6.4. Буюртмачи мазкур шартномада кўрсатилганидек, топшириш - қабул қилиш далолатномасини ва хисобот хужжатлари бажарилган ишларни 5 кун мобайнида қабул қилиш мажбуриятини олади ва Лойихачига имзоланган, ёки асосли эътиroz билдирилган топшириш-қабул қилиш далолатномасини жўнатади.

6.5. Бажарилган ишларни топшириш-қабул қилиш давомида буюртмачининг асосли эътиrozи бўлса, камчиликларнинг рўйхати ва уларни бартараф этишнинг аниқ муддатини белгиловчи икки томонлама далолатнома тузилади.

6.6. Агар ишларни бажариш жараёнида, кейинчалик уни давом эттириш мақсадга мувофик эмаслиги маълум бўлиб қолса, томонлар 5 кун мобайнида бир-бирларини ишлар тўхтатилганлиги хақида хабардор қилишлари шарт ва 10 кун мобайнида ишларни давом эттириш учун мақсадга мувофиқ бўлган йўналишларини ойдинлаштирувчи масалаларни кўриб чиқишлари керак. Ишлар тўхтатилган холларда томонлар учун Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига кўзда тутилган мажбуриятлар юкландади.

6.7. Ўзаро хисоб-китоблар килишнинг муддати келганлиги, томонларнинг бири мазкур шартномадаги ишларни тўхтатиши хақидаги ёзма хабарнома берган санадан хисобланади.

6.8. Бажарилган ишлар (босқичлар)да камчилик ва нуқсонлар аниқланганда лойихачи уларни беғараз бартараф этади.

6.9. Агар Лойихачи ўтган босқич учун хисобот бермаса, кейинги босқич учун молиялаштириш ишлари бажарилмайди.

## **7. Тарафларнинг жавобгарлиги.**

7.1. Лойихачи ЛКИ хужжатларида камчиликлар учун, шу жумладан кейинчалик курилиш жараёнида, шунингдек тайёрланган ЛКИ хужжатлари маълумотлари асосида барпо этилган объектдан фойдаланиш жараёнида аниқланган камчиликлар учун жавобгардир ва камчиликларни бартараф қилиш учун қилинган харажатларни қоплайди.

7.2. ЛКИ хужжатларида камчиликлар аниқланган тақдирда, Лойихачи Буюртмачининг талаби билан 10 кун муддатда ЛКИ хужжатларини бепул қайта ишлаб чиқиши ва бунинг оқибатида келтирилган зарарни тўлаши шарт.

7.3. Томонларнинг мажбуриятларини бажармаганлиги ёки етарли даражада бажармаганликлари учун жавобгарликлари Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий хукуқий базаси тўғрисидаги» қонунга, хамда Ўзбекистон Республикаси Фуқоралик кодексига асосан белгиландади.

7.4. Лойихачи томонидан бажарилган ишлар ёки кўрсатилган хизматлар муддати кечичирилганда Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган хар бир кун учун бажарилмаган ишлар қийматининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

7.5. Пенянинг тўланганлиги ва зарарнинг қопланганлиги тарафларни ўз мажбуриятларини бажариш ёки камчиликларни бартараф этишдан озод этмайди.

7.6. Мазкур шартнома билан назарда тутилмаган тарафларнинг жавобгарлиги Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун хужжатларига мувофиқ белгиландади.

## **8. Бартараф этиб бўлмайдиган куч холати (форс – мажор).**

8.1. Агар томонлар мажбуриятларининг қисман ёки тўла ижро этилмай қолиши табиий ходисалар, харбий харакатлар ва бошқа бартараф этиб бўлмайдиган бошқа кучлар сабабли содир бўлган бўлса, хамда бу холат мазкур шартнома ижросига бевосита таъсир кўрсатган бўлса, томонлар мазкур шартнома бўйича мажбуриятларининг қисман ёки тўла ижро этилмай қолгани учун жавобгарликдан озод бўладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларнинг ижро муддати бартараф этиб бўлмайдиган вазият, шунингдек шу вазият келтириб чиқарган оқибат хукм сурган вақтга мос равишда орқага сурилади.

8.2. Агар бартараф этиб бўлмайдиган куч вазияти ёки унинг оқибатлари З ойдан ортиқ вақтга чўзиладиган бўлса, Лойихачи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки номаълум вақтга тўхтатиш учун чора-тадбирлар кўришни мухокама қиласидар. Агар томонлар икки ой мобайнида бир тўхтамга кела олмасалар, томонларнинг хар қайсиси шартномани бекор қилинишини талаб қилишга хаклидир.

## **9. Кўшимча шартлар**

9.1. Буюртмачи 1.1 - бандда кўрсатилган обьектдан ташқари, Лойихачи томонидан тақдим этилган бажарилган иш натижаларидан фойдаланишга хақли эмас, Лойихачи олинган бирламчи маълумотлардан бошқа мақсадлар учун фойдаланиш хукуқига эга эмас.

9.2. Мазкур шартномада кўзда тутилмаган томонларнинг ўзаро муносабатлари Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий - хукукий базаси тугрисида» ги қонунига, ҳамда Ўзбекистон Республикаси фуқаролик кодексига асосан белгиланади.

## **10. Шартноманинг амал қилиш муддати ва шартлари**

10.1. Шартнома имзоланган кундан бошлаб кучга киради ва унинг шартлари тўлиқ бажарилгунча ўз кучида қолади.

10.2. Шартноманинг муддати тугашига қарамай, томонлар жавобгарликдан озод этилмайди.

10.3. Шартноманинг амал қилиш муддати 31.12.2022 йилгача.

## **11. Бахсларни хал этиш тартиби**

11.1. Шартномани тузиш, ижро этиш, ўзгартириш ва бекор қилиш, шунингдек келтирилган зарарни қоплаш чоғида томонлар ўртасида вужудга келадиган бахслар ўзора мухокама қилиниб келишувга эришиш имконияти бўлмаган тақдирда, қонунчиликда белгиланган тартибда суд томонидан кўриб чиқилади.

## **12. Шартномани ўзгартириш ва унга қўшимчалар киритиш тартиби ва бекор қилиш тартиби.**

12.1. Ушбу шартномага хар кандай ўзгартириш ва қўшимчалар улар ёзма равишда расмийлаштирилган ва тарафларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланган тақдирда хақиқий хисобланади.

16.2. Шартномани муддатидан олдин бекор қилишга тарафларнинг келишувига кўра, етказилган зарарни қоплаш шарти билан йўл қўйилади.

12.3. Лойихачининг айби билан ишларнинг бориши тўхтаб қолса ва ишларнинг тугатилиши шартномада белгиланган муддатдан бир ойдан ошиқ муддатга кечикирилса, берилиган топшириқда назарда тутилган ишлар сифати мавжуд талабларга жавоб бермаса, Буюртмачи шартномани бекор қилишга хакли.

12.4. Лойихачига боғлик бўлмаган сабабларга кўра лойиха ишлари Буюртмачи томонидан бир ойдан ошиқ муддатга тўхтатилса, Буюртмачи лойихалаш ишларининг хақини тўлаш имкониятига эга бўлмаса, Лойихачи шартномани бекор қилишга хакли.

12.5. Шартномани бекор қилиш хақида қарорга келган томон иккинчи томонга 10 кун олдин ёзма билдиришнома юборади, иккинчи томон 10 кунгача эътиroz билдиримаса шартномани бекор қилинган хисобланади.

## **13. Коррупцияга қарши шартлашув**

13.1. Томонлар: - Томонлар, уларнинг аффиланган (ўзаро боғланган) шахслари ва ходимлари, ушбу Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришлари давомида коррупсияга қарши курашиш соҳасидаги Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун хужжатлари талабарининг бузилишига олиб келадиган ва/ёки коррупсия характеристига ега бўлган, шу жумладан (аммо бу билан чекланмай) пора бериш ёки беришни ваъда қилиш, таъмагирлик, пора олишга бевосита ёки билвосита рози бўлиш хатти-харакатлари/харакаизликларини содир етмайдилар. Томонлар, уларнинг аффиланган (ўзаро боғланган) шахслари ва ходимлари бошқа Томоннинг ходимлари ёки ваколатланган вакилларини қандайдир тарзда рағбатлантиришдан, шу

жумладан пул суммалари, совғаларни тақдим етиш, уларнинг манзилига хизматларни беғараз кўрсатиш ёки бу ходим ёки ваколатланган вакил томонидан уни рағбатлантирувчи Томон фойдасига қандайдир хатти-ҳаракатларни/ҳаракацизликлар бажарилишини таъминлашга қаратилган ишларни бажаришдан воз кечадилар деб маълум киладилар.

13.2 Томонда ушбу Шартноманинг 13.1-бандидаги талабларни бузиш содир етилганлиги ёки содир етилиши мумкинлиги тўғрисидаги шубхалар юзага келган ҳолда, тегишли Томон бу ҳақда иккинчи Томонни хабардор қилиш, коррупсия билан курашиш соҳасидаги Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларининг нормалари бузилганлиги фактининг рад етиб бўлмайдиган далиллари мавжуд бўлган ҳолда еса амалдаги қонун хужжатларида белгиланган тартибда ваколатланган органларни ҳам хабардор қилиш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

#### 14. Томонларнинг реквизитлари:

##### Буюртмачи:

##### **“Хазорасп тумани Ободонлаштириш бошқармаси**

Хазорасп тумани А.Навоий кўчаси1-үй  
Телефон: (62)33-21-870  
ш/хр: 401722860332207065200110016  
СТИР 206944002  
ОКЭД:61110  
Молия вазирлиги ягона газна хисоб  
варағи  
х/р: 23402000300100001010  
Банк М/Б ХККМ Тошкент шахри  
МФО 00014  
ИНН:201122919  
Бошлиқ: А.Рузметов \_\_\_\_\_

##### Лойихачи:

##### **“LOYIHA STRUKTURA” МЧЖ**

Тошкент ш. М.Улуғбек тумани,  
Мустақиллик-42  
х/р: 2020 8000 5002 7404 3001  
АТИБ Ипотекабанк Тошкент ш. Филиали.  
МФО: 00419  
СТИР: 302792 937  
ОКЭД: 71120  
Тел: 93-386-87-19

Директор: М.Матниёзов



**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN  
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO‘G‘RISIDA HUQUQIY  
XULOSA**

**PC0387251481**

1. Loyihaning turi : Shartnoma
2. Loyihaning nomi: **LOYIXA IShLARI PUDRATI ShARTNOMASI**
3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot: XAZORASP TUMANI HOKIMLIGI HUZURIDAGI OBODONLASHTIRISH BOSHQARMASI tomonidan 14.11.2022 yilda kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

**Hazorasp tuman  
yuridik xizmat  
ko`rsatish markazi  
bosh yuristkonsulti:**



**Z.SH.NIYOZMATOV**

14.11.2022